

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ТУРИЗМ САНОАТИ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ**

Зафаржон Назаров Мўминжонович,

Наманган шаҳар “Ziyokor Academy” ўқув маркази тарих фани ўқитувчиси
pazarov_zafarjon@mail.ru, Телефон: +998 94 309 06 44(телеграм)

Ўзбекистон Республикасида туризм саноатини вужудга келиш “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 1992 йил 27 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳамда 1993 йил Бутун жаҳон туристик ташкилоти (ЮНВТО)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши билан боғлиқ.

Наманган вилоятида жами 250 дан ортиқ моддий маданий мерос объектлари мавжуд. Ана шу улуг меросни жиддий ўрганиш, уни авайлаб-асраш ва келажак авлодларга бениқсон етказиш барчанинг шарафли ва масъулиятли бурчидир.

Наманган вилоятида туризм саноати тараққиётининг вужудга келиши шарт шaroитлари бир қатор илмий нашрларда моҳиятини анча кенг ёритиб берилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Наманган вилоятида тарихий ва археологик масканлар қаровсиз аҳволи манбааларда берилган.

Жаҳон мамлакатлари аҳолиси ўртасида Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошқа ўлкаларга саёҳат қилиш тобора авж олиб борди.

Социалистик давлат таъсир доирасидаги юртимиз аҳолиси ўзга юрт қолиб ўз мамлакатини ҳам тўла ўрганишдан мосуво бўлган.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда хусусан Наманган вилояти ҳудудида тарихий, археологик туризм, агро ва эко туризм шунингдек зиёрат туризм объектларини юртимиз ҳамда дунё мамлакатлари аҳолисига кўрсатиш имкониятини бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Президентининг тегишли фармойиш ва қарорлари эълон қилинди.

- “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли;

- 2018 йил 6 февралда “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сонли;

- 2016 йил 22 декабрдаги ПФ-4895-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” фармойишлари эълон қилинди;

- Республика Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва Туризмни ривожлантириш департаментларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди.

- Тадқиқотларда туризмга оид адабиётлар, хусусан археологик ва зиёрат туризмни пайдо бўлиш сабаблари, тарихий-ижтимоий шароит, даврий нашр ва журналлар, дастлабки туристик саёҳатлар ёритиб берилди;

Бугунги кунда Наманган вилояти ҳудудида XX асрнинг иккинчи ярмида туризм саноати тараққиётининг вужудга келишига ҳолис баҳо беришб, тадрийжий босқичларини ўрганиш ишлари бошланди.

Бир қатор нуфузли анжуманлар ўтказилиб. Янгидан-янги туристик йўналишлар бўйича ишларга кенг йўл очилди.

Туризм кўп тармоқли соҳа бўлиб, бугун мамлакатимизда унинг кўплаб йўналишлари кенг тараққий этмоқда. Наманган вилоятида туризмнинг қуйидаги шакллари ташкил этиш мумкин:

-Тарихий туризм;

-Эко туризм;

-Дарё туризми;

-Зиёрат туризми;

-Агро туризм.

Наманган вилоятида ички ва халқаро туризмни ривожлантириш айна пайтда олиб бориладиган маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқ.